

## РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ОРҚАЛИ ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Абдувалиев Нурбек Рахматулло угли**

АТ “Алокабанк” бош менежери

[abduvalievnurbek555@gmail.com](mailto:abduvalievnurbek555@gmail.com)

**Аннотатсия.** Ушбу мақолада экспорт салоҳиятини рақамли технологиялар билан ривожлантириш масалалари, хусусан ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, молиявий технологияларини қўллаш, роботлаштириш, Биг Дате, буюмлар интернети, сунъий интеллект, булатли технологиилар, Блокчейн, ДЛТ каби технологияларни кенг жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқариш ва хизмат сифати, корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларни интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали сотиш имкониятлари, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси билан боғлиқлиги таҳлил қилинди. Бундан ташқари, рақамли инфратузилмани ривожлантиришда, экспорт-импорт оператсияларини амалга оширишда онлайн платформалар орқали савдо майдончаларини яратишнинг долзарблиги ва аҳамияти ўрганилди.

**Калит сўзлар:** Ахборот Коммуникатсия Технологиялари (АКТ), рақамлаштириш, рақамли технология, молиявий технология, рақамли савдо

## USING OF DIGITAL TECHNOLOGIES THROUGH E-COMMERCE DEVELOPMENT ISSUES

**Abstract.** This article analyzed the issues of developing trade potential with digital technologies, in particular, the issue of wide introduction of technologies such as automation of production and management processes, application of financial technologies, robotization, Big Date, Internet of Things, artificial intelligence, cloud technologies, Blockchain, DLT. Moreover, the relationship between the quality of production and service, the possibility of selling products and services produced by enterprises through the Internet, and the level of development of the digital economy was studied. In addition, the relevance and importance of creating trading platforms through online platforms in the development of digital infrastructure and the implementation of export-import operations was examined.

**Key words:** Information Communication Technologies (ICT), digitization, digital technology, financial technology, digital trade.

## КИРИШ

Глобаллашув жараёнлари, рақамлаштириш, халқаро рақобатнинг кучайиши ва соҳалар интегратсиялашуви жаҳон мамлакатлари олдига энг қисқа вақт ичидаги самарали ҳал этилиши зарур бўлган янги вазифаларни қўймоқда. Глобал ва миллий капитал бозорларида рақамли технологиялар, жумладан, дастурий та’минот, интернет ўйинлари, электрон тижорат, катта ҳажмдаги маълумотлар базаси массивларини сақлаш технологияси ҳамда бошқаларга сармояларнинг ортиши ҳисобига таркибий ўзгаришлар рўй бермоқда. Рақамли бозорларнинг ривожланиши ахолининг та’лим даражаси юқори бўлган мамлакатларда осон кечайётганига гувоҳ бўляпмиз. Янги эҳтиёжлар, ахборот тезлиги ва ҳажми қундан кунга ортиб бориши натижасида рақамли иқтисодиётда янги маҳсулотлар яратиш орқали эҳтиёжларни арzon, тез, самарали қондиришга эришилади. Шу сабабли, ҳар бир мамлакат глобал бозорларга чиқиш учун рақамлаштириш имкониятларидан унумли фойдаланади.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг реал секторида рақамли технологияларни жорий қилиш ва экспорт салоҳиятини рақамли иқтисодиёт технологиялари билан ривожлантириш мақсадида ҳожалик юритувчи субектлар томонидан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

-саноат секторида фаолият юритаётган корхоналарда замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш орқали корхона таъминотининг барча босқичларини рақамлаштириш ва бошқаришни таъминлаш ҳамда ўрнатилган дастурий таъминот маҳсулотларини ушбу корхоналарни технологик қайта жиҳозлаш дастурлари билан уйғунлаштириш ишларини тизимли амалга ошириш;

-экспорт қилувчи корхоналарда замонавий дастурий маҳсулот ва илгор ахборот коммуникатсия тизимларини жорий этиш ҳисобига маҳсулот (иш, хизмат) сифатини жаҳон стандартларига мос ишлаб чиқариш ҳамда ишлаб чиқаришдаги тўхталишларни олдини олиш, маҳсулот таннархини камайтиришга ва фойдани максимал кўпайтиришга эришиш бунда молиявий-иктисодий фаолиятнинг шаффофлигини таъминлашга қаратилган инноватсион рақамли бошқарув тизимлари ва Финтех (молиявий технологиялар) дастурий маҳсулотларни жорий этишга эришиш;

-ишли жойларни босқичма-босқич автоматлаштириш ҳамда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали ишлаб чиқариш жараёнларини роботлаштириш ва инсон омилини четга чиқариш;

-экспорт оператсияларини амалга оширишда мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш ва савдо ҳажмини ошириш мақсадида буюртмачилар (мижозлар) билан ўзаро муносабат механизмларини шаффоф, виртуал, Б2Б

шаклда масофавий (онлайн платформалар) орқали ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали экспорт салоҳиятини ошириш;

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Айни дамда иқтисодиётнинг ҳар бир секторида бизнес юритиш интернет ва рақамли маълумотлар базасига таянади. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги ҳукумат, бизнес ва фуқаролик жамияти рақамли технологиялардан барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий инклюзивликни мустаҳкамлаш, фаол жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва бошқарув сифатини яхшилаш мақсадида фойдаланиши мумкин. Бу борада қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган хусусан,

Қаюмов С., (2020) фикрига кўра, булутли ҳисоблаш, биг дата яъни маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш каби янги электрон хизматлар товарлар экспортига қиймат қўшиш имконини беради ва бу глобал маълумотлар оқимлари глобал қиймат занжирларини асослайди. ЗД босиб чиқариш, М2М коммуникатсиялари, Финтех (молиявий технологиялар), блокчейн модели асосида курилган савдо майдончалари каби рақамли платформаларни иқтисодиётда ўсиши экспорт оператсияларини тартибга солувчи ҳамкорликка таъсир кўрсатиши яъни савдо билан боғлиқ трансчегравий шартномаларни тузишга, контрагент алоқаларни ўрнатишга, етказиб бериш ва сотишни осонлаштиришга, молиявий оператсияларни амалга оширишда молиявий хавфсизликни таъминлашга, таннархни минималлаштиришга ва савдо оператсиялари янада хавфсиз ва такомиллаштиришга хизмат қилмоқда [1].

Ражапова М., (2019) рақамли иқтисодиёт шароитида фан ва технология ютуқларининг стратегик вазифаларини ҳал қилишга қаратилган инноватсион фаолиятни институсионал қўллаб-қувватлаш механизмларини таҳлил қилган. Шунингдек, электрон тижорат ва замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ривожланаётган очиқ бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда инновасияларни ривожлантириш ва рақамли иқтисодиётга ўтиш шаффофликни таъминлаш билан бир қаторда юқори даражадаги инвеститсиялар оқимини жалб қиласи дея таъкидлаган [2].

Аҳмедов И. (2020) таҳлилига кўра, иқтисодиётни рақамлаштириш халқаро ва ички савдо ўртасидаги чегараларнинг йўқолишига, уй хўжаликлари ва уларнинг савдо фаолиятининг янги шаклларининг пайдо бўлишига олиб келади. Натижада, булутга асосланган янги савдо усуллари виртуал савдо платформаларини қамраб олган халқаро стандартларни дарҳол яратиш вазифасини қўяди. Бу ихтирочилар, муҳандислар, ишлаб чиқарувчилар, воситачилар, истеъмолчилар, ҳукумат ва фуқаролик жамияти вакиллари интеллектуал мулк ҳукуқларига оид барча тартибга солиш жараёнларини кўриб

чиқиши учун тез ўсиб бораётган маълумотлар оқимини таҳлил, мониторинг қилиб боришини талаб қиласди [3].

Алтиев Қ.С., Қаюмов С. (2020) фикрига кўра, электрон ҳукуматни ривожлантиришда мамлакатда ресурсларининг чекланганлиги, рақамли инфратузилмани йўлга қўйишда узлуксиз электр таъминотининг етишмаслиги, интернет ишлаш тезлигининг талаб даражасида эмаслиги, чекка худудларда АКТ алоқа каналларининг етиб бормаганлиги ва ёки имкониятларнинг етарли даражада эмаслиги каби муаммоларга дуч келади [4].

Malkawi, B. N. (2019) таҳлилига кўра, электрон тижоратни кенгайтириш ва электрон тижорат транзаксияларини рағбатлантириш савдо логистикаси самарадорлигини оширишга, савдо харажатларини камайтиришга, глобал ва минтақавий савдони рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш асосий элементи сифатида келтириб ўтган [5].

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Экспорт салохиятини рақамли иқтисодиёт технологиялари билан ривожлантириш тартибини амалга ошириш мақсадлари рақамли трансформациянинг глобал муаммоларини инобатга олган ҳолда интеграцион ҳамкорликнинг мавжуд механизмларини янгилаш, экспорт корхоналарининг юқори сифатли ва барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш, шу жумладан, иқтисодиётнинг жадал ўтишини таъминлашдан иборат. иқтисодиётни янги технологик тартибга солиш, янги тармоқлар ва бозорларни шакллантириш, меҳнат ресурсларини ривожлантиришдан иборат. Рақамли иқтисодиёт тартибини амалга ошириш рақамли трансформацияларни синхронлаштириш ва хўжалик юритувчи субъектларда келажак технологиялари тармоқларини ривожлантириш учун шароит яратиш имконини беради. Экспорт салохиятини ошириш факат рақамли иқтисодиёт технологиялари ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш билан чекланмайди, балки янги бизнес жараёнлари, рақамли моделлар ва рақамли активларни яратишдан фойдаланишни назарда тутади.

Рақамлаштиришни амалга оширишда давлат хўжалик юритувчи субъектлари ва фуқаролари ўртасида очиқ, кенг ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка, ҳар бир экспортёр корхонанинг иқтисодий самарадорликка эришишига ва экспорт ҳажмининг ўсишига, яратилган қўшимча қийматнинг ошишига ва умуман олганда иқтисодиётни янги босқичга ўтишига хизмат қиласди. Бунда иқтисодий, технологик ва ижтимоий ривожланиш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг рақамли кун тартибини шакллантиришдаги ўз ролини кучайтиришга ҳаракат қиласди. Экспорт операцияларини амалга оширишга қаратилган рақамли кун тартибини амалга

оширишнинг асосий йўналишлари ҳуқуқий меъёрий хужжатларда, давлатлар ва бизнес субъеклари ўртасидаги битимда, экспорт шартномаларида белгиланган тамойиллар, шунингдек, қўйидаги тамойиллар асосида шакллантирилади:

рақамли кун тартибини амалга ошириш жараёнида тенг ҳуқуқли шерикликка, давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар интеграцияси ва ҳамкорлигини ривожлантириш;

ҳамкор давлатлар томонидан контрагент операциялари доирасидаги қўшма вазифаларни ҳал қилиш жараёнида ўзаро синергия;

рақамли инклюзивликни кенгайтириш ва рақамли тафовутнинг барча шаклларини бартараф этиш;

ҳамкор томонларда очик ва қўллаб-қувватловчи бизнес мухитини ривожлантириш;

Б2Б, Б2Г, Б2С учун ўзаро манфаатларни таъминлаш, шу жумладан рақамли интеграцияни ошириш;

тақдим этилган маълумотлардан уни тақдим этган ҳамкорга зарар етказмасдан фақат белгиланган мақсадларда фойдаланиш;

экспорт ва импорт операцияларини амалга ошираётган контрагентларнинг миллий ахборот тизимларининг ўзаро интеграцион алоқаси;

стратегик ҳужжатларда кўрсатилган ва ҳамкор давлатларда рақамли трансформация билан боғлиқ миллий рақамли кун тартибини ишлаб чиқиш;


давлат органлари томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг томонлар иқтисодий мақсадига мувофиқлиги;

корхоналарнинг ахборот ресурсларидан тенг фойдаланиши;

трансчегаравий ахборот ресурсларини ўзаро мувофиқликнинг зарур даражасини (технологик очиқлик) таъминлаган ҳолда органик ривожлантириш.


Анъанавий оффлайн савдодан тортиб рақамли экотизимлар интеграциясигача бўлган рақамли тижорат бозор иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатлар моделига қараб доимий равишда уч босқичдан ўтади. Электрон бозорнинг дастлабки босқичида савдо жараёнлари чизиқли бўлади, инсон омили ва учинчи томон иштироки нисбатан юқори бўлади. Рақамли платформалар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар билан биргаликда рақамли экотизимларни ташкил қиласди иккинчи босқичда платформага тобора қўпроқ жараёнлар ва хизматлар киради. Учинчи босқич келажакнинг ўзига хос имиджини ёки узок муддатли тенденцияни ифодалайди, унга мувофиқ экотизимлар бир-бири билан ўзаро таъсир қила бошлайди. Тизимлар максимал даражада мослашади, транзаксиялар, контрагент операциялари, ҳарид қилиш ва етказиб беришда муаммолар бартараф этилади. Махсулот таннархига таъсир қилувчи омиллар, тўсиқлар максимал даражада камайтиришга эришилади. Деярли барча

жараёнларда савдо майдончаларнинг интеграцияси, ҳамкорлиги ва рақобати шаффофф тарзда ишлайди (1-расм).



### 1-расм. Рақамли технологияларидан фойдаланиш натижасида тижорат экотизимиning ривожланиш босқичлари тавсифи<sup>8</sup>

Рақамли тижорат тартибини амалга оширишга умумий ёндашувлар рақамлаштириш тартиби доирасида миллий ва кўп томонлама, шу жумладан учинчи томонлар иштирокида ташаббусларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва интеграцияни қўллаб-қувватлаш, рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини яратиш, глобал рақамли трансформация тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда қонунчиликни такомиллаштириш, рақамли экспорт лойиҳаларни амалга ошириш ва самарали механизмларини ишлаб чиқиш, рақамли иқтисодиётда илғор тажрибаларни илгари суриш мақсадида давлатлараро манфаатдор томонлари ўргасидаги мулоқотни қўллаб-қувватлаш ва Булатли технология, БигДате, Блокчейн, ДЛТ, VR каби бир қатор технологияларни амалиётга жорий қилиш орқали мақсадга эришишни тезлаштириш мумкин.



### 2-расм. Рақамли технологияларидан фойдаланиш натижасида импорт операциялари экотизимида қиймат занжири яратилиш механизми тавсифи<sup>9</sup>

<sup>8</sup> Тадқиқотчилар ишланмаси.

<sup>9</sup> Тадқиқотчи ишланмаси.

Рақамлаштиришни амалга оширишнинг асоси ташаббусларни ишлаб чиқиш ва ҳар бир лойиҳани сезиларли ижобий натижага олиб келишдир. Шу муносабат билан, фаолиятнинг мослашувчан ва қайта созланиши механизmlари асосида ташаббусларни ишлаб чиқиш ва лойиҳаларни амалга ошириш орқали барча манфаатдор томонлар иштирокида рақамли кун тартибининг устувор йўналишлари бўйича ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш зарур. Хусусан –расмда рақамли технологияларидан фойдаланиш натижасида импорт операциялари экотизимида қиймат занжири яратилишида таннарх нахрлар оптималлаштиришга эришилади ва ортиқча вақт, пул ва бошқа иқтисодий ресурслар тежалади. Ушбу жараёнда харидор ва ишлаб чиқарувчи масофавадан барча операцияларни кузатиб туриши мумкин.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, корхоналарда замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш орқали корхона таъминотининг барча босқичини рақамлаштиришга эришиш, рақамли бошқарувни таъминлаш ва реал вақт режимида бизнес-таҳлил тизимини жорий қилиб тизимли таҳлилларни юқори аниқлик билан прогнозлаштиришга эришиш мумкин. Бундан ташқари, логистика тизимида рақамли инфратузилмани такомиллаштириш ва рақамли технологияларни жорий этиш мақсадида рақамли логистика тизимиға босқичма-босқич ўтиш шунингдек, бу орқали логистика ва харид харажатларини қисқартиришга эришиш мумкин. Экспортёр корхоналарда замонавий дастурий маҳсулот ва илгор ахборот коммуникатсия тизимларини жорий этиш ҳисобига маҳсулот (иш, хизмат) сифатини жаҳон стандартларига мос ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришдаги узилишларни олдини олиш, маҳсулот таннархини камайтириш ва фойдани максимал қўпайтиришга эришиш бунда молиявий-иқтисодий тизимнинг шаффоғлигини таъминлашга қаратилган инноватсион рақамли бошқарув тизимлари ва Финтех (молиявий технологиялар)ни қўллаш натижада эса инсон омилини четга чиқариш, ишчи жойларини босқичма-босқич автоматлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали ишлаб чиқариш жараёнларини роботлаштиришга, экспорт оператсияларини амалга оширишда мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш ва савдо ҳажмини ошириш мақсадида буюртмачилар (мижозлар) билан ўзаро муносабат механизmlарини шаффоғ, виртуал, Б2Б шаклда масофавий (онлайн платформалар) орқали ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали юқори экспорт салоҳиятини оширишга эришиш мумкин.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Qayumov S., Mo'minova E., (2020) Korxonani moliyaviy boshqarishda blokcheyn texnologiyasidan foydalanish – yangi avlod texnologiyalariga o'tish kafolati, "Xalqaro moliya va buxgalteriya" ilmiy elektron jurnali. № 1-fevral, 2020-yil.
2. Rajapova M. (2019). The perspectives of digital economy for Uzbekistan: a new stage. <http://tsue.uz/wp-content/uploads/2019/10/15.-Rajapova-Madina-Faridunovna1.pdf>
3. Ahmedov I. (2020). The impact of digital economy on international trade. EJBMR, European Journal of Business and Management Research Vol. 5, No. 4, July 2020
4. Altiev K., Qayumov S., (2020) Davlat xizmatlari tizimida raqamli texnologiyalardan samarali foydalanish – iqtisodiy va ijtimoiy samaradorlikka erishish kafolati // "Moliya" ilmiy jurnali. № 1 dekabr, 2020 yil, 169-179-betlar.
5. Malkawi, B. H. (2019). Digitalization of International Trade. Journal of Law and Technology, 23.